



**COVID-19 БИЛАН ОҒРИГАН ТИШСИЗ БЕМОРЛАРНИ
ОРТОПЕД СТОМАТОЛОГ ЁНДАШУВИДА
РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШДАН ИЗЛАНИШЛАР**

¹Амрилло Шодиевич Иноятов,

²Ниғмон Луқмонович Хабилов,

³Салим Саломович Шарипов,

⁴Зоҳид Абдусатторович Абдурахимов

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги

Тошкент давлат стоматология институти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7505340>

ARTICLE INFO

Received: 25th December 2022

Accepted: 04th January 2023

Online: 05th January 2023

KEY WORDS

"COVID-19", "ЖССТ", "SARS-CoV-2", "оғиз бўшлиғи", "протез".

ABSTRACT

Ушбу илмий мақолада COVID-19 билан оғриган тишсиз беморларни ортопед стоматолог ёндашувида реабилитация қилиш мақсадида беморларни қиқача текшириш усул ва натижаларига тўхталиб ўтилди. Жами 89 нафар COVID-19 билан оғриган тишсиз беморлар текширилиб, улар коронавирус касаллигидан кейин ноқулайликнинг сезиларли ўсишини кузатилганлиги, бу текширилувчиларнинг 54,8% жавоблари билан тасдиқланди.

Муаммонинг долзарблиги. 2020 йил 11-февралда бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти янги вирусли пневмонияни "Корона вируси касаллиги (COVID-19) деб номлади, вируслар таксономияси бўйича халқаро қўмитаси (ICTV) ушбу янги коронавируснинг таксономик таҳлилида янги коронавирус номини "SARS-CoV-2" деб номлади [1, 2, 22].

Ушбу COVID-19 номли вирус Ўзбекистон Республикасизни ҳам четлаб ўтмади. Ўзбекистон бош санитария врачси, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги директори Баҳром Алматов хабарига кўра биринчи марта Францияда бўлиб қайтган Ўзбекистон фуқаросида 15 март соат 6:00 да Covid-19 вируси аниқланади [2-3, 22].

COVID-19 клиник жиҳатдан иситма, қуруқ йўтал, чарчоқ, мушак оғриғи, пневмония шаклида намоён бўлади. SARS-CoV-2 билан касалланганидан кейин тизимли иммунитетнинг ҳаддан ташқари фаоллашиши "ситокин бўрони" ни келтириб чиқаради, интерлейкин-6 (ИЛ-6) ва интерлейкин-1 (ИЛ-1) организм хужайраларига зарар еткази. Бу қон томирларининг ўтказувчанлигини оширишга ва кейинчалик буйраклар ва юрак каби органларнинг шикастланишига олиб келиши мумкин, бу эса кўп орган етишмовчилиги ва ўлимга олиб келади [4-14, 19-21, 23-27].

Аввало, қон айланишининг бузилиши туфайли артериолалар, капиллярлар ва венулалар каби кичик диаметрли томирларнинг ишида носозлик мавжуд. Улар айниқса, тишсиз жағи бўлган одамларда яққол намоён бўлади.

Илмий маълумотларига кўра, дунё аҳолиси орасида тишсизликнинг пайдо бўлиш частотаси кундан-кунга ошиб бормоқда. Коронавирус касаллиги билан оғригандан сўнг, унинг асоратлари беморларнинг оғиз бўшлиғида ножўя таъсирларини



кўрсатмоқда, бу беморларни нормал яшаш ва ишлашига (Хабилов Н., Шарипов С), руҳан азият чекишларига олиб келмоқда.

Тадқиқотнинг текшириш усуллари, материаллари ва умумий хусиятлари. Текширишлар, умумий клиник ва стоматоскопик усуллардан иборат бўлди.

Беморларни ўрганилган гуруҳларда умумий хусусиятлари. Тадқиқот Тошкент Давлат стоматология институти (ТДСИ) клиникасида госпитал ортопедик стоматология кафедрасида олиб борилди.

COVID-19 билан оғриган тишсиз беморлар протезини оптималлаштириш мақсадида 2020-2022 йилларда ТДСИ клиникасида тўлиқ тишсизлик билан касалланган 89 беморни текширдик.

Беморларни саралаш мезонлари қуйидагилар бўлди:

- Covid-19 билан оғриган беморлар;
- 55-70 ёшдаги беморлар, иккала жинс;
- акрил протезларнинг мавжудлиги;
- юқори жағда тишларнинг тўлиқ йўқлиги;
- пастки жағда тишларнинг тўлиқ йўқлиги;
- психосоматик касалликларнинг йўқлиги;

Тадқиқотнинг мазмуни билан барча иштирокчилар таништирилди ва илмий тадқиқотда иштирок этишга розилиги имзоланди.


Тадқиқотга 89 нафар тишсизлик билан оғриган, ўртача ёши 52,3 ёшни ташкил этган, COVID-19 билан оғриган ва 2021 йилдан 2022 йилгача протезлаш учун шифохонанинг ортопедик стоматология бўлимига мурожаат қилган беморлар киритилган.

Бизнинг ишимизда биз турли хил протез конструкциялари билан ортопедик даволанишдан ўтган тўлиқ иккиламчи адентия ташхиси қўйилган беморларни ўргандик. Тадқиқотда беморлар уч гуруҳ қилиб ажратиб олинди.

I гуруҳ - Анъанавий усулда тайёрланган тўлиқ олинадиган протезлардан фойдаланаётган беморлар;

II гуруҳ- Тўлиқ олинадиган, юмшоқ тагликли протезлардан фойдаланаётган беморлар;

III гуруҳ- Суяк ичи тиш имплантлари ёрдамида ушлаб турувчи протезлардан фойдаланаётган беморлар.



Шакл.1. Тадқиқотда иштирок этган беморларнинг жинсий хусусиятлари.

Беморларнинг умумий сонидан 23 бемор тиш шифокорига биринчи марта тўлиқ олинадиган пластинкали протезлар (ТОПП) билан протезлаш учун мурожаат қилди, бу 25,8% ни ташкил этади, 54 бемор касалликдан кейин ортопедик конструкцияларнинг қониқарсиз сифати туфайли ТДСИ клиникасига протезлаш учун қайта мурожаат қилди, улардан атиги 12 нафари мавжуд протезларни режалаштирилган алмаштириш учун мурожаат қилди.

Барча беморларда жағларнинг нисбати ортогнатик эди, антагонистлар тўлиқ олинадиган протезлар бўлганди. Тишларнинг ранги "Вита"ранг шкаласи билан аниқланди.

Анамнезни йиғиш пайтида тишлар йўқолишининг сабаби, биринчи олинадиган протезни ишлаб чиқариш вақти ва уни ишлатишдаги материал тури аниқланди ва шу билан бирга соматик касалликлар мавжудми ёки йўқми қайд этилди.

Беморларни ташқи текшириш пайтида юзнинг конфигурацияси, лаблар, ёноқларнинг ҳолати, назолабиал бурмаларнинг чуқурлиги, юзнинг юмшоқ тўқималарининг симметрияси ҳамда деформация ҳолатига эътибор қаратилди.

Оғиз бўшлиғини текшириш пайтида яллиғланиш ҳодисалари ва патологик ўзгаришларнинг мавжудлигига эътибор қаратилди ва биргаликда даволаш амалга оширилди. Шунингдек, ортопедик дизайнни танлаш учун лаб френулумининг бириктирилиш баландлиги, ўтиш бурмаси, атрофия даражаси ва жағларнинг алвеоляр жараёнининг шакли баҳоланди.


Қуйидаги босқичларда беморларнинг жағ протезларини ўрганиб чиқилди, улар шикоятлари билан таққосланди, фиксацияси самарадорлигини, протез ўрнининг шиллиқ қават ҳолати баҳолади, ҳамда гигиеник ҳолати аниқлади.

Натижалар. Тўпланган маълумотларга кўра, биз барча беморлар асосан ортопедик конструкциялар икки ёки уч йил олдин, стандарт процедура бўйича амалга



оширилганлигини аниқладик, аммо касаллик ўтказилгандан сўнг, бу протезлар яроқсиз бўлиб чиқди.

Сўровимиз натижаларининг ишончлилигини ошириш мақсадида биз анъанавий технологиялар ёрдамида тайёрланган олинадиган протезлардан фойдаланиш тажрибасига эга бўлган беморларни танладик, аммо коронавирус инфекциясидан сўнг бу беморлар, улардан фойдаланишда қийинчиликларга дуч келишганлигини таъкидлашади. Беморни танлашнинг ушбу келишув туфайли биз тўлиқ олинадиган протезлар билан компенсация қилинган тўлиқ тишсиз бўлган беморларнинг турмуш тарзи тўғрисида ишончли маълумотларга эга бўлдик. Сўровда иштирок этган беморлар орасида эркаклар 65,3%, аёллар сони эса 34,7% ни ташкил этди.



Шакл. 2.

Беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши.

Умуман олганда, сўровда иштирок этган беморларнинг ёши ва жинси таркиби сезиларли фарқларсиз эди, бу бизга олинган маълумотларни бир-бири билан солиштиришни соддалаштиришга олиб келди.

Тадқиқот маълумотларига кўра, беморлар кўп ҳолларда протезларни фақат яроқсиз ҳолга кеганда алмаштиришган, бу текширилувчиларнинг 44,3% жавоблари билан исботланган. Кўпгина беморлар учун протездан фойдаланишнинг асосий мезони унинг яхлитлиги эди, биз ишонамизки бу беморларнинг иқтисодий имкониятлари билан боғлиқ, чунки уларнинг аксарияти нафақахўрлардир. Шунингдек, бу жараёнга протезларни алмаштириш вақти ва уларнинг гигиеник ҳолати даражаси тўғрисида етарли даражада хабардор эмаслиги таъсир қилиши мумкин. Сўралган беморларнинг 22,3% кўрсатганидек, улар протезни ранги ўзгаргандагина ўзгартирдилар.

Илмий манбаларига кўра, юқори сифатли олинадиган протезнинг хизмат қилиш муддати 3 йилдан 5 йилгача ўзгариб туради, агар протез ўрнинг шиллиқ қавати ва алвеоляр жараён қониқарли ҳолатда сақланиб қолса, лекин сўралган беморларнинг ҳеч бири бу даврни кўрсатмаган. Шундай қилиб, биз беморлар протезларини фақат



эстетик мулоҳазалар туфайли яроқсиз бўлганда ёки ранг ўзгариши ҳолатларида ўзгартирадилар деган хулосага келдик. Бизнинг сўровимиз натижалари беморларнинг протезлар ва оғиз бўшлиғини улардан фойдаланганда парвариш қилиш қоидалари тўғрисида хабардорлигини тасдиқлайди.

Кейинги савол протезларни тозалаш усуллари билан боғлиқ эди, сўралган беморларнинг атиги 9,8 фоизи уларни тозалаш учун махсус воситалардан фойдаланишини кўрсатди.

Бугунги кунга келиб, дорихоналарда олинадиган протезларни яхшироқ махкамланишига ёрдам берадиган ёпиштирувчи маҳсулотларнинг жуда кўп турлари мавжуд.

Асосан, уларнинг таркиби бир хил, бу турли хил антисептик, тетиклантирувчи, хушбўй таъсир кўрсатадиган қўшимчалар билан сувда эрийдиган полимерларни ўз ичига олади.

Бундан ташқари муҳим масала, уларнинг протез учун гигиеник парваришlash жараёнидир, бу ўз навбатида уларнинг хизмат муддатини оширади. Сўралган беморларнинг ярмидан кўпи бу саволга протез парваришининг турли усулларида фойдаланган ҳолда жавоб беришди. Асосан, беморлар тиш пастаси ва чўтка билан протезларни тозалайдилар, текширилувчиларнинг 51,4% шу тарзда жавоб берди, уларнинг баъзилари протезни 27,1% овқатдан сўнг оқаётган сув остида ювишни афзал кўришади, текширилувчиларнинг атиги 14,6% протезларни парвариш қилиш учун махсус воситалардан фойдаланадилар ва текширилувчиларнинг 9,4% протезларни совун билан ювишни афзал кўришади.

Хулоса. Сўров давомида кўпчилик беморлар тўлиқ олинадиган протезларнинг қониқарсиз фиксацияси билан айниқса пастки жағда шикоят қилишябди. Улар коронавирус касаллигидан кейин ноқулайликнинг сезиларли ўсишини пайқашди, бу текширилувчиларнинг 54,8% жавоблари билан тасдиқланади. Ўз навбатида, бу оғиз бўшлиғида юзага келадиган ёшга боғлиқ ўзгаришлар, яъни алвеоляр жараённинг атрофияси ва протез ўрни билан боғлиқ. Биз гумон қилганимиздек, коронавирус инфекциясининг танага кириши натижасида бу жараёнлар сезиларли даражада тезлашди. Маълумки, илмий манбаларга кўра, суяк тўқималарининг резорбцияси ушбу касалликка чалинган беморларда учрамоқда. Кейинги илмий изланишларимизда текшириш усуллари ва натижаларини қолган кўрсаткичлари ҳақида янада яққолроқ ифода этамиз.

References:

1. Шарипов С. С., Хабилов Н. Л. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИНИ ХАФСИЗ САҚЛАШНИНГ УСУЛЛАРИ //EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH. – 2021. – Т. 1. – №. 2. – С. 845-854.
2. Шарипов С. и др. СТОМАТОЛОГ ШИФОКОРЛАРНИ COVID-19 ВИРУСИДАН ХАФСИЗ САҚЛАШ //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 895-898.
3. Lukmanovich X. N. et al. COVID-19 BILAN O'G'RIGAN TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 14. – №. 4. – С. 152-154.



4. ХАБИЛОВ Н. Л. и др. ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТИ ПАТОЛОГИЯСИНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВОЛАШ УЧУН АДАБИЁТЛАР ШАРХИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 4. – С. 63-67.
5. ХАБИЛОВ Н. Л., ШАРИПОВ С. С., АБДУРАХИМОВ З. А. ТЎЛИҚ ОЛИНАДИГАН ПЛАСТИНКА ПРОТЕЗЛАРИНИ МАҲКАМЛАШНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИДАН ФЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ТИШЛАРИ ТЎЛИҚ БЎЛМАГАН БЕМОРЛАРНИНГ ҲАЁТ СИФАТИ ҲАҚДА АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 4. – С. 68-74.
6. Xabilov N., Sharipov S. COVID-19 TUFAYLI TISHSIZ BEMORLARDA OG'IZ BO'SHIG'I SHILLIQ QAVATIDAGI O'ZGARIZSHLAR //СБОРНИК ТЕЗИСОВ Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы ортопедической стоматологии и ортодонтии. – 2022. – Т. 10. – С. 139-140.
7. Xabilov N., Sharipov S. TO'LIQ ADENTIYASI BO'LGAN BEMORLARNI OLINADIGAN PLASTINKA PROTEZLAR BILAN DAVOLASHNING ASOSIY JIHATLARI //СБОРНИК ТЕЗИСОВ Международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы ортопедической стоматологии и ортодонтии. – 2022. – Т. 10. – С. 176-178.
8. Шарипов С. С. и др. СТОМАТОЛОГИК ДАВОЛАНИШГА МУХТОЖ БОЛГАН КАТТА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ КАСАЛЛИКЛАРИГА МУНОСАБАТИНИ ПСИХОЛОГИК БАҲОЛАШ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 16. – №. 2. – С. 66-69.
9. Шарипов С. Хабилов Нигман. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ ЖАРАЁНИДА БЕМОРЛАРДАН АЖРАЛГАН СЎЛАКНИНГ АҲАМИЯТИ //Вестник ТМА. – 2021. – Т. 2021. – С. 137-138.
10. Шарипов С. С. и др. ТУРЛИ МАТЕРИАЛЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ОЛИНМАЙДИГАН КЎПРИКСИМОН ТИШ ПРОТЕЗЛАРИНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 17. – №. 4. – С. 14-20.
11. Шарипов С. С. и др. COVID-19 ВИРУСУ ТАРҚАЛГАН ДАВРИДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШ АМАЛИЁТИДА БЕМОРЛАРДАН АЖРАЛГАН СЎЛАКНИНГ ТАЪСИРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 17. – №. 4. – С. 9-13.
12. Шарипов С., Хабилов Н., Алимов Ў. А. З. А. COVID-19 TUFAYLI TISHSIZ BEMORLAR OG'IZ SHILLIQ QAVATI TIZIMIDAGI BUZILISHLAR //СБОРНИК ТЕЗИСОВ" АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СТОМАТОЛОГИИ" РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ. – 2022. – Т. 10. – С. 188-190.
13. Шарипов С. С., Саидов А. А., Гаффаров С. А. Кимёвий бўёқларнинг ишчилари оғиз бўшлиғига салбий таъсирини тажрибада асослаш ва даволашнинг самарали усуллари //Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси Бюллетени. – 2014. – Т. 2. – №. 2. – С. 50-53.
14. Salomovich S. S., Miraziz o'g'li A. M., Yoqubjonovich A. T. TO'LIQ TISH SIZ BO'LGAN BEMORLARNI OLINADIGAN PLASTINKA PROTEZLAR BILAN DAVOLASHNING MONIYATI //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 881-884.
15. Xabilov N. L. et al. TIBBIYODDA MUSTAQIL TA'LIMNING AHAMIYATI //Editorial board: Tone Roald, PhD Associate Professor of Psychology University of Copenhagen. – 2022. – С. 318.



16. Xabilov N. L. et al. TA" LIMNING TO" GRILIGI INSONNI KOMILLIKKA YETAKLAYDI //Editorial board: Tone Roald, PhD Associate Professor of Psychology University of Copenhagen. – 2022. – С. 332.
17. Xabilov N. L. et al. ЧАККА-ПАСТКИ ЖАФ БЎФИМИ КАСАЛЛИКЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОЛЛАРНИ ДАВОЛАШ КЎРСАТГИЧЛАРИ //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 18. – №. 2. – С. 148-168.
18. Дадабаева М. У. и др. КРИТЕРИЙ ОПТИМИЗАЦИЯ ФИКСАЦИИ ЦЕЛЬНОКЕРАМИЧЕСКИХ КОРОНОК //Journal of new century innovations. – 2022. – Т. 18. – №. 2. – С. 181-197.
19. Salomovich S. S. et al. COVID-19 BILAN O'G'RIGAN BEMORLAR OG'IZ BO'SHLIG'I SHILLIQ QAVATIDAGI O'ZGARIZSHLAR //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 890-894.
20. Иноятлов А. Ш. и др. Особенности клинических проявлений COVID-19 в ротовой полости //Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-39.
21. Иноятлов А. Ш. и др. Оценка состояния беременных женщин с диабетом, при заражении COVID-19 //Новый день в медицине. – 2020. – №. 2. – С. 101-103.
22. Шарипов С. С. и др. ОБЗОР ОРТОПЕДИЧЕСКОГО ПОДХОДА К ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ ПАЦИЕНТОВ ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19 С АДЕНТИЕЙ //PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS. – 2022. – Т. 2. – №. 18. – С. 327-333.
23. Хабиллов Н., Шарипов С. ОСОБЕННОСТИ ПРИЕМА ПАЦИЕНТОВ ВРАЧАМИ-СТОМАТОЛОГАМИ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ НОВОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ (COVID-19) //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.
24. Саломович Ш. С. THE INFLUENCE OF REMOVABLE DENTURES ON THE ORAL CAVITY MICROFLORA //Ёш олимлар кунлари тиббиётнинг долзарб масалалари: III. – 2014. – Т. 1. – С. 102.
25. Khabilov N. L., Shzaripov S. S., Sh I. A. Comparative analysis of the functional state of the microcirculation of the prosthetic bed in patients with complete adentia after Covid-19 disease //Eurasian Medical Research Periodical. – 2022. – Т. 15. – С. 56-60.
26. Lukmanovich K. N., Salomovich S. S. METHODS OF SAFETY OF DENTAL PROSTHETIC PRACTICE DURING THE COVID-19 PANDEMUM //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 11. – С. 819-828.
27. Sharipov S. S. et al." ASSESSMENT OF CHANGES IN THE MICROBIOLOGICAL PARAMETERS OF THE ORAL FLUID IN PATIENTS WHO UNDERWENT COVID-19 WITH COMPLETE EDENTULISM BEFORE AND AFTER PROSTHETICS." //NeuroQuantology. – 2022. – Т. 20. – №. 15. – С. 6734-6739.